

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг
2024 йил 11 июлдаги БР-22-сон буйруғидан
К Ў Ч И Р М А

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг
харид қилиш тартиб-таомиллари ва ўтказиш тартиби тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги “Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 276-сон қарорига мувофиқ давлат харидларини амалга оширилишини таъминлаш мақсадида,

Б У Ю Р А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича харид комиссиясининг таркиби 1-иловага мувофиқ ташкил этилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низоми 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг 2020 йил 8 майдаги 453-сон буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
4. Харид комиссияси вазирликда давлат харидларини амалга оширишда ушбу буйруқ низоми талабларига қатъий амал қилинишини таъминласин.
5. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазир ўринбосари Э.Хамраев зиммасига юклатилсин.

Асос: Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги “Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 276-сон қарори, Ж.Халмухамедов хизмат хати, раҳбарият розилиги.

В а з и р

Б.Саидов

Аслига тўғри
11.07.2024й.

Р.Султонов

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг
харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича
ХАРИД КОМИССИЯСИ ТАРКИБИ**

Э.Хамраев	-	Вазир ўринбосари, <i>комиссия раиси;</i>
Ж.Халмухамедов	-	Хўжалик-таъминоти бошқармаси бошлиғи, <i>раис ўринбосари;</i>
У.Максудов	-	Молия-иқтисод бошқармаси бошлиғи, <i>комиссия аъзоси;</i>
Ж.Шокиров	-	Бухгалтерия ҳисоби ва консуллик тушумлари бошқармаси бошлиғи, <i>комиссия аъзоси;</i>
А.Дусимов	-	Ахборот-коммуникация технологиялари бошқармаси бошлиғи, <i>комиссия аъзоси;</i>
Дж.Сагдуллаев	-	Комплаенс назорати ва юридик хизмати, <i>комиссия аъзоси;</i>
Э.Тоҳиров	-	Умумий бўлим бошлиғи, <i>комиссия аъзоси;</i>
С.Зуфаров	-	Котиб, <i>комиссия аъзоси (овоз бериш ҳуқуқисиз).</i>

Изоҳ: Харид комиссияси аъзоси вақтинча йўқ бўлган даврда ёки бошқа ишга ўтганда унинг вазифаларини вақтинча ўрнини босувчи ёки мазкур лавозимга янги тайинланган шахс бажаради.

“Давлат харидлари тўғрисидаги” Қонунга мувофиқ, харид комиссиясининг аъзолари таркиби ва сони харид қилиш тартиб-таомилларининг турига боғлиқ бўлиб, олинаётган товарнинг (ишининг, хизматнинг) хусусиятларидан келиб чиқиб ўзгартирилиши мумкин.

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг
харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш
ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги
Низом**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ташқи ишлар вазирлигининг (кейинги ўринларда – «Вазирлик») маҳсулотлар, инвентар, асбоб-ускуналар, иш ва хизматларга бўлган эҳтиёжини ўз вақтида, самарали ва шаффоф равишда таъминлаш мақсадида харидларни амалдаги қонунчиликка биноан ташкил қилиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунига (кейинги ўринларда - “Қонун”), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги “Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 276-сон қарорига, шунингдек, давлат харидлари борасида бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилди.

II. Асосий тушунчалар ва атамалар

3. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

давлат харидлари – вазирликнинг давлат буюртмачиларининг товарларга (ишларга, хизматларга) бўлган эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган ҳаракатлар мажмуи;

давлат харидларининг режа-жадвали - йил ва чорак давомида харид қилиниши режалаштирилган товарлар (ишлар, хизматлар) тўғрисидаги маълумотларни назарда тутувчи ҳужжат;

шахсий кабинет - электрон давлат харидларида иштирок этишни ҳамда зарур ахборотни жойлаштиришни ва ундан фойдаланишни таъминлайдиган, вазирликнинг харид қилиш тартиб-таомилларининг давлат назоратини амалга оширувчи давлат органларининг махсус ахборот порталидаги ва (ёки) давлат харидларининг электрон тизимидаги индивидуал саҳифаси;

ҳисоб-китоб-клиринг палатаси (ХККП) - аванс тўловларини депонентлаш ва уларни ҳисобга олиш йўли билан давлат харидлари тўғрисидаги шартномалар бўйича мажбуриятларни бажара оладиган харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари электрон давлат харидларига киришини таъминловчи давлат харидлари электрон тизимининг таркибий бўлинмаси;

харид комиссияси - харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш мақсадида вазирликнинг тегишли буйруғи билан шакллантирилган ва тарқатиб юбориладиган коллегиял орган;

БХМ – базавий ҳисоблаш миқдори.

III. Давлат харидларининг асосий принциплари

4. Вазирликда харидлар жараёнининг барча босқичлари қуйидаги асосий принципларга қатъий риоя этган ҳолда амалга оширилади:
- касбий маҳорат ва масъулиятлилик;
 - асосланганлик;
 - молиявий маблағлардан фойдаланишнинг оқилоналиги, тежамкорлиги ва самарадорлиги;
 - очиқлик ва шаффофлик;
 - рақобат ва холислик;
 - мутаносиблик;
 - давлат харидлари тизимининг ягоналиги ва яхлитлиги;
 - коррупцияга йўл қўймаслик.

IV. Харид жараёни иштирокчилари

5. Харид жараёнида иштирок этувчи шахслар харид жараёни субъектлари ҳисобланади. Уларга қуйидагилар киради:

- **Харид ташаббусчиси** – хизмат заруриятдан келиб чиқиб харид ташкилотчисига маҳсулотлар ва хизматлари сотиб олиш таклифини берувчи вазирлик таркибий бўлинмаси/ходими;

- **Харид ташкилотчиси** – ўз ваколатлари доирасида харид ташкилотчиси вазифаси юклатилган вазирлик эҳтиёжи учун харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш (Хўжалик-таъминоти бошқармаси);

- **Харид иштирокчиси** – харид қилиш тартиб-таомилида иштирок этиш учун тегишли равишда ариза берган ва тижорат таклифини юборган шахс.

- **Харид ижрочиси/харид жараёни ғолиби** – белгиланган тартибда харид ҳужжатларида назарда тутилган танлов ва баҳолаш тартиб-таомилларидан ўтган ва таклифи энг яхши деб топилган харид иштирокчиси.

V. Харид жараёнига доир умумий талаблар

6. Харид жараёни куйидагиларни ўз ичига олади:

- харидларни режалаштириш;
- харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш;
- шартномани тузиш ва бажариш;
- харид жараёнини мониторинг қилиб бориш.

7. Вазирликнинг давлат харидларини режалаштириш жараёни Хўжалик-таъминоти бошқармаси томонидан амалга оширилади ва куйидагиларни ўз ичига олади:

- махсус ахборот порталида давлат харидларининг режа-жадвалларини жойлаштириш учун маълумотларни масъул таркибий бўлинмаларга тақдим этиш;

- қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳолларда электрон давлат харидларида иштирок этиш учун аванс тўловларини киритиш;

- давлат харидларининг электрон тизимига давлат харидлари ўтказилиши ҳақидаги эълонларни жойлаштириш;

- махсус ахборот порталида давлат буюртмачиси ўзи билан аффилланган шахслар ҳақидаги маълумотларни жойлаштириш.

8. Вазирлик давлат харидларининг йиллик ва чораклик режа-жадвалларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиши мумкин.

9. Бунда харид қилиш тартиб-таомили ўтказилишидан камида уч иш куни олдин давлат харидлари режа-жадвалларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишига йўл қўйилади.

10. Товар ва иш (хизматлар) хариди ташаббусчи томонидан тайёрланган ва вазирликнинг Бухгалтерия ҳисоби ва консуллик тушумлари бошқармаси билан келишилган хизмат хати асосида амалга оширилади. Хизмат хатида куйидаги маълумотлар кўрсатилиши лозим:

- харид предмети (харид қилиш усули, миқдори, сифати, максимал қиймати ва бошқалар);
- товарлар бўйича захирада мавжуд қолдиқ ва сотиб олинаётган товарларнинг фойдаланиш муддати тўғрисидаги маълумотлар;
- харид юзасидан бошқа маълумотлар.

11. Техник шартлар тузиш зарурияти мавжуд бўлган ҳолларда, харид ташаббусчиси ҳужжатни тайёрлайди ва тегишли таркибий бўлинмалар билан келишишни амалга оширади.

VI. Харидлар ўтказишнинг умумий шартлари ва амалга ошириш турлари

12. Давлат харидларида иштирок этиш учун давлат харидлари электрон тизимининг операторининг (кейинги ўринларда – “Оператор”) воситачилик йиғинини ХҚҚПдаги ҳисобварағига ўтказилади.

13. Оператор томонидан буюртмачи ва иштирокчилардан ундириладиган воситачилик йиғими миқдори ваколатли орган томонидан белгиланади ва барча операторлар учун ягона ҳисобланади.

14. Электрон давлат харидлари иштирокчилар томонидан электрон рақамли имзолардан (кейинги ўринларда - ЭРИ) фойдаланган ҳолда Электрон давлат харидларининг электрон тизими (кейинги ўринларда - ДХЭТ) (<https://xarid.uzex.uz/>) орқали амалга оширилади.

15. Харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш турлари қуйидагилардан иборат:

- электрон дўкон;
- бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион;
- энг яхши таклифларни танлаш;
- тендер;

-тўғридан-тўғри шартномалар бўйича амалга ошириладиган давлат харидлари.

16. **Электрон дўкон** воситасида бир шартнома бўйича БХМнинг 2500бараваригача қийматдаги товарларнинг, бироқ айти бир турдаги товарларнинг давлат хариди бир молия йили давомида БХМнинг 10000 бараваригача амалга оширилиши мумкин;

Шунингдек, электрон дўкон орқали бир шартнома бўйича БХМнинг 50 бараваригача қийматдаги ишларнинг, хизматларнинг бироқ айти бир турдаги ишларнинг, хизматларнинг давлат хариди бир молия йили давомида БХМнинг 500 бараваригача амалга оширилиши мумкин;

16.1. Харид ташкилотчиси электрон дўконда иштирокчиларнинг оферталарини ўрганиш йўли билан ўзи учун зарур бўлган товарни (ишни, хизматни) танлайди ва товар (иш, хизмат) танланганидан кейин нархлар сўрови механизмидан фойдаланади.

16.2. Давлат харидларининг электрон тизими автоматик режимда, нархлар сўрови механизмини амалга оширган ҳолда танлаб олинган офертани таклиф қилган иштирокчига, шунингдек электрон дўконда ўхшаш товарларни (ишларни, хизматларни) таклиф этаётган барча иштирокчиларга харид қилиш тартиб-таомида иштирок этиш тўғрисида таклифлар юборилишини таъминлайди.

16.3. Электрон дўкон иштирокчиларининг заклати ғолиб аниқлангунга қадар оператор томонидан банд қилиб қўйилади.

16.4. Давлат харидларининг электрон тизими вазирлик ва энг паст нархни таклиф қилган ижрочи ўртасида тузилган битимни рўйхатдан ўтказди.

16.5. Давлат буюртмачилари электрон дўконнинг қўшимча саҳифасидан фойдаланган ҳолда давлат харидларини ҳудудлар (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) бўйича маҳаллий ишлаб чиқарувчилар (ишни бажарувчилар, хизмат кўрсатувчилар) ўртасида амалга ошириши мумкин.

17. Бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион (кейинги ўринларда – “аукцион”) воситасидаги давлат хариди қуйидаги шартлар бир вақтнинг ўзида бажарилган тақдирда амалга оширилади:

- товарнинг стандарт хусусиятларга эга бўлиши;
- товарнинг техник, эксплуатация қилиниш хусусиятларини ва бошқа хусусиятларини баҳолаш ҳамда таққослаш зарурати мавжуд эмаслиги;
- товарнинг қиймати БҲМ 6000 бараваригача бўлган миқдорини ташкил этса.

17.1. Аукцион орқали давлат харидларини амалга ошириш учун буюртмачи махсус ахборот портали орқали ДХЭТга давлат харидларининг режа-жадвалига мувофиқ аукцион тугайдиган санадан камида беш иш куни аввал эълонни жойлаштиради;

17.2. Хизматлар ва ишларнинг давлат хариди аукцион объекти бўла олмайди.

17.3. Аукцион давлат харидларининг электрон тизимида бошланғич нархни қадам-бақадам пасайтириш йўли билан ўтказилади, иштирокчиларнинг номи ва улар билан боғланишга доир маълумотлар аукцион ҳолиби аниқланадиган пайтга қадар давлат харидларининг электрон тизимида акс эттирилмайди.

17.4. Аукцион тугайдиган вақт келганда давлат харидларининг электрон тизими аукцион ўтказилган вақт давомида берилган таклифлар орасида энг паст нархни таклиф қилган таклифни автоматик равишда аниқлаб олади. Энг паст нарх кўрсатилган таклифни берган иштирокчи аукцион ҳолиби сифатида давлат харидларининг электрон тизими томонидан саралаб олинади. Ижрочининг номи давлат харидларининг электрон тизимида акс эттирилиб, ушбу тизим тузилган битимни автоматик равишда қайд этади ва давлат буюртмачисининг буюртманомасида баён этилган шартларга мувофиқ шартномани шакллантиради.

17.5. Агар аукционда бир нафар иштирокчи иштирок этган бўлса ёки ҳеч ким иштирок этмаган бўлса, аукцион ўтказилмаган деб ҳисобланади ва ғолиб аниқланмайди. Харид ташкилотчиси аукционни уч иш кунига узайтириши ёки харидни Қонун ва мазкур Низом талабларига мувофиқ электрон дўкон (белгиланган мезонлар доирасида) ёки энг яхши таклифларни танлаш орқали амалга ошириши мумкин.

17.6. Аукционни узайтириш аввалги аукцион тамом бўлган пайтдан эътиборан уч иш куни ичида харид ташкилотчиси томонидан амалга оширилади.

18. Энг яхши таклифларни танлаш (кейинги ўринларда – “Танлаш”) воситасидаги давлат хариди қуйидаги шартлар бир вақтнинг ўзида бажарилган тақдирда амалга оширилади:

- ғолибни аниқлаш мезонлари товар (иш, хизмат) давлат харидининг нафақат пул ифодасига, балки миқдорий ва сифат баҳосига ҳам эга бўлади;

- товарнинг (ишнинг, хизматнинг) қиймати БҲМ 6000 бараваригача бўлган миқдорни ташкил этса;

18.1. Танлаш воситасидаги давлат хариди тўғрисидаги ахборот харид ташкилотчиси томонидан чекланмаган миқдордаги шахсларга махсус ахборот портали орқали ДХЭТга, шунингдек лозим ҳолларда раҳбарият кўрсатмасига кўра, вазирлик расмий веб-сайтига, шунингдек оммавий ахборот воситаларида танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонни ва танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларини жойлаштириш йўли билан маълум қилинади.

18.2. Танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълонда танлаш ўтказиш шакли, товар (иш, хизмат)нинг батафсил тавсифи ва бошланғич нархи, ўтказиладиган жой манзили, иштирокчига қўйиладиган талаблар, шунингдек бошқа маълумотлар жойлаштирилади.

18.3. Харид ташкилотчиси иштирокчиларнинг танлаш таклифларини баҳолаш усулини (энг паст нарх усулини ёки балл усулини) ва мезонларини ишлаб чиқади ва харид комиссиясига келишиш учун киритади. Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида танлаш таклифларини баҳолаш учун қўлланиладиган балларнинг бошланғич қийматлари белгиланиши мумкин ва улардан ўтмаган иштирокчи танлашдан четлатилади.

18.4. Харид комиссиясининг ҳар бир аъзоси ва масъул котиби ўз вазифаларини амалга ошириш учун Хўжалик таъминоти бошқармаси кўмагида ДХЭТда ўз шахсий кабинетини очади.

18.5. Танлаш бўйича ғолиб Харид комиссияси томонидан харид қилиш ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонларга мувофиқ иштирокчилар орасидан энг паст нархни таклиф этган иштирокчини танланади. Танлаш таклифларини кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш натижалари ДХЭТда автоматик равишда шаклланган дастлабки электрон баённомада қайд этилади ва танлаш ўтказиш бўйича харид комиссияси аъзолари томонидан ЭРИдан фойдаланган ҳолда имзоланади.

18.6. Дастлабки электрон баённома у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилади. Агар икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар тушмаган бўлса, бу тўғрисида харид комиссиясининг тегишли мажлиси электрон баённомаси расмийлаштирилади ва давлат буюртмачиси билан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида ғолиб аниқланган вақтдан бошлаб ўн иш кунидан кечиктирмасдан шартнома тузилади.

19. **Тендер** воситасидаги давлат харидлари қуйидаги шартлар бир вақтнинг ўзида бажарилган тақдирда амалга оширилади:

- ғолибни аниқлаш мезонлари товарнинг (ишнинг, хизматнинг) нафақат пул билан баҳоланишини, балки миқдорий ва сифат жиҳатидан баҳоланишини ҳам ўз ичига олади;

- товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати БҲМ 6000 бараваридан ортиқ миқдорни ташкил этади.

19.1. Харид комиссиясининг масъул котиби иштирокчиларнинг таклифларини тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларини расмийлаштириш талабларига мос келиши бўйича текширишни амалга оширади ва текшириш натижаларини харид комиссиясига кўриб чиқиш учун тақдим қилади. Тасдиқланган мезонлар бўйича иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш натижаларини давлат харидларининг электрон тизимида жойлаштиради.

19.2. Харид ташкилотчиси харид комиссиясининг ҳар бир аъзосига ва масъул котибига ўз вазифаларини амалга ошириш учун давлат харидларининг электрон тизимида шахсий кабинет очади.

19.3. Харид комиссиясининг ҳар бир аъзоси ўзининг шахсий кабинети орқали овоз беришда ёқлаб овоз бериши, қарши овоз бериши ёки унда иштирок этишдан бош тортиши мумкин. Белгиланган муддатларда харид комиссия аъзоси шахсий кабинети орқали овоз беришдан бош тортган тақдирда, унинг овози бетараф сифатида қабул қилинади. Харид комиссия раиси ёки унинг вазифасини бажарувчи овоз беришдан бош тортишга ҳақли эмас.

19.4. Харид ташкилотчиси томонидан тендер ўтказиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганидан сўнг мутахассислар ёки тендерни ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул шахс томонидан тендер бўйича харид қилиш ҳужжатлари, шартнома ва тендер ўтказиш ҳақидаги эълоннинг матни ишлаб чиқилади.

19.5. Тендер таклифининг техник ва нарх қисми бўйича харид ташкилотчисининг товарларга (ишларга, хизматларга) бўлган эҳтиёжларини қондириш учун таклифнинг ҳар бир қисмини баҳолаш аҳамиятига қараб нисбий қиймати белгиланади.

19.6. Харид ташкилотчиси тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларини келишиш учун электрон шаклда харид комиссиясига киритади.

19.7. Харид комиссияси томонидан тендер бўйича харид қилиш ҳужжатлари лойиҳаси маъқулланган ҳолда тендер ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинади.

19.8. Маъқулланган тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларини харид ташкилотчиси ЭРИ билан тасдиқлайди. Тасдиқланган тендер бўйича харид қилиш ҳужжатлари, шунингдек, тендер ўтказиш тўғрисидаги эълон тендер иштирокчиларидан тендер таклифларини қабул қилиш муддати тугайдиган санадан камида ўн икки иш куни олдин ва кўпи билан ўттиз иш куни олдин давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштирилади.

19.9. Тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларида харид ташкилотчиси ҳар бир товар (иш, хизмат) харид қилиш тартиб-таомилининг алоҳида бирлиги (лот) сифатида кўриб чиқилишини эълон қилиши мумкин. Бу ҳолатда харид ташкилотчиси турли товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб бериш учун тендернинг бир нечта иштирокчиси билан шартномалар тузиши мумкин, бунда ҳар бир лот учун фақат битта ғолиб аниқланиши мумкин.

19.10. Тендер натижалари бўйича шартнома тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва шартнома тузилаётган тендер иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида ғолиб аниқланган вақтдан бошлаб ўн иш кунидан кечиктирмасдан тузилади.

20.Тўғридан-тўғри шартномалар бўйича давлат харидлари куйидаги ҳолларда амалга оширилиши мумкин:

- ягона етказиб берувчилар реестрига киритилган ягона етказиб берувчи билан давлат харидини амалга ошириш учун рухсат этилган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат хариди;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида тўғридан-тўғри шартномалар бўйича амалга ошириладиган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) давлат хариди;

- фавқулодда ҳолатларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг эҳтиёжларини таъминлаш учун зарур бўлган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат хариди;

- суд муҳокамасида иштирок этиш учун адвокатни (вакилни) тайинлаш билан боғлиқ бўлган давлат хариди;

- илм-фан, адабиёт ва санъат асарлари, ижролар, фонограммалар, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотларнинг кўрсатувлари ёки эшиттиришлари каби интеллектуал фаолият натижаларининг мазкур интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуққа эга бўлган ягона шахсдан давлат хариди;

- нархи (тарифи) давлат томонидан тартибга солинадиган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат хариди.

20.1. Тўғридан-тўғри шартномалар тузиш харид комиссияси раиси номига хизмат хати билан мурожаат этилгандан сўнг ижобий ҳулоса олинган амалга оширилади.

20.2. Харид ташкилотчиси тўғридан-тўғри шартномалар тузилганлиги тўғрисидаги ахборотни шартнома тузилган пайтдан эътиборан уч иш кuni ичида махсус ахборот порталига жойлаштириши шарт, ушбу муддатда жойлаштирилмаган бўлса, ушбу шартномалар бўйича тўловлар амалга оширилмайди, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

20.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорларида, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида товарнинг (ишнинг, хизматнинг) давлат харидини тўғридан-тўғри шартнома асосида амалга оширишга рухсат берилса, товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати бир шартнома бўйича БҲМ 600 баравари миқдоригача бўлган шартнома ва шартномага оид қўшимча келишувлар Комплекс экспертиза қилиш марказида комплекс экспертизадан ўтказилмайди.

20.4. Ягона етказиб берувчидан товар (иш, хизмат) олиш зарур бўлган тақдирда, етказиб берувчи ҳамда харид ташкилотчиси ўртасида тўғридан-тўғри шартнома тузилади ва бу шартнома тўғрисидаги ахборот у тузилган пайтдан эътиборан уч иш кuni ичида махсус ахборот порталига жойлаштирилиши лозим.

21. Қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ қуйидаги ҳужжатлар комплекс экспертизадан ўтказилади:

- инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳалар бўйича лойиҳаолди ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун техник топшириқлар, шунингдек, лойиҳаолди ҳужжатлари;

- давлат харидига доир тендер бўйича харид ҳужжатлари ва техник топшириқлар;

- давлат буюртмачилари томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда тўғридан-тўғри музокаралар асосида тузиладиган шартномалар, импорт контрактлари ва уларга қўшимча келишувларнинг лойиҳалари экспертизадан ўтказилади ва рўйхатга олинади.

VII. Харид комиссияси мақсад ва вазифалари

22. Харид комиссиясининг асосий мақсади харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларининг таклифларини буюртмага мувофиқлик даражаси бўйича ҳолис баҳолашдан ва тартибга солишдан ҳамда давлат харидлари рақобатлашув усуллари орқали амалга оширилганда ғолибни (ғолибларни) танлашдан иборат.

23. Харид комиссиясининг ишига раис раҳбарлик қилади, у харид комиссияси мажлисларини чақиради ва олиб боради, овозга қўйишни ва харид комиссияси томонидан қабул қилинган қарорларни эълон қилади, шунингдек харид комиссияси мажлисларининг баённомаларини имзолайди. Харид комиссияси раиси йўқлигида унинг вазифаларини ўринбосари бажаради.

24. Харид комиссиясининг ҳар бир аъзоси овоз беришда ёқлаб овоз бериши, қарши овоз бериши ёки унда иштирок этишдан бош тортиши мумкин. Харид комиссиясининг раиси овоз беришда иштирок этишдан бош тортиш ҳуқуқига эга эмас.

25. Харид комиссияси қарори харид комиссияси аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

26. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда харид комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи овоз бўлади.

27. Харид комиссиясининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- харид қилиш ҳужжатларини келишиш;

- таклифлар қабул қилинадиган муддатларни белгилаш;

таклифларни очиш тартиб-таомилларини белгилаш;

таклифларни баҳолаш мезонларини белгилаш ва унга асосан баҳолаш;

зарур бўлганда таклиф киритиш тартибини, ҳажмини ва уни таъминлаш шаклини белгилаш;

харид қилиш тартиб-таомили иштирокчиларининг таклифларини очиш;

малака танловини ўтказиш, агар харид қилиш ҳужжатлари шартларида бу назарда тутилган бўлса;

малака танлови натижаларини ҳисобга олган ҳолда қарор қабул қилиш;

зарур бўлганда баҳолаш гуруҳини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

харид қилиш тартиб-таомилларини қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириш;

харид қилиш тартиб-таомилларининг рақобатлашув турлари ғолибини ва зарур бўлганда захирадаги ғолибни белгилайди ёки савдони амалга ошмаган деб топади.

VIII. Харид комиссиясининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

28. Харид комиссиясининг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

танлов савдоларини белгиланган тартибда ташкиллаштириш, ўтказиш шартлари ва шакллари белгилаш;

танлов таклифларини малакали танлаб олиш ва баҳолаш мақсадида, шу билан бирга, зарурият туғилганда, бозор конъюнктурасини таҳлил қилиш учун ишчи гуруҳлар ташкил этиш;

зарур ҳолларда, харид комиссияси йиғилишларида катнашиш учун ихтисослашган экспертларни жалб этиш;

қарор қабул қилиш учун зарур бўлган қўшимча маълумотларни, шунингдек, танлов иштирокчиларининг молиявий аҳволига тегишли маълумотларни талаб этиш;

харид комиссияси танлов таклифларини тақдим этиш муддати тугагунга қадар танлов ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчаларни, улар тўғрисида танлов иштирокчиларини хабардор қилган ҳолда киритиши мумкин, зарур ҳолларда, танлов иштирокчилари томонидан танлов таклифларига ўзгартиришлар киритиш учун танлов таклифларини тақдим этиш муддатини етарлича узайтириш;

талаб этилган маълумотларни тақдим этмаган танлов савдолари иштирокчиларининг таклифларини рад этиш.

29. Харид комиссиясининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

харид комиссияси қарорларни ўз вақтида расмийлаштириш;

харид комиссияси қарори бўйича расмийлаштирилган баённомаларни вазирликнинг масъул таркибий бўлинмаларига тақдим этиш;

танлов иштирокчиларидан қабул қилинган маълумотларни бошқа шахсларга ошкор қилмаслик;

харид комиссияси мажлисларида қабул қилинган қарорларнинг ўз вақтида бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш;

харид комиссияси аъзолари холис бўлиши ва харид қилиш тартиб-таомили ҳолибини танлашдан шахсан манфаатдор бўлмаслиги керак.

харид комиссияси ижрочини аниқлаш тартиб-таомиллари давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги, ўзи қабул қилаётган қарорларнинг асослилиги ва беғаразлиги учун жавобгар бўлади.

IX. Якуний қоидалар

30. Харид комиссияси аъзолари ва харид жараёнида иштирок этувчи ходимлар мазкур Низом қоидалари билан танишишлари шарт.

31. Мазкур Низом қоидалари харид жараёнида иштирок этувчи барча ходимлар учун мажбурий характерга эга бўлиб, уларга риоя қилмаслик ходимни қонунда белгиланган тартибида интизомий ва бошқа жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

32. Ушбу Низом билан тартибга солинмаган ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тартибда амалга оширилади.

33. Ушбу Низом тасдиқланган кундан кучга киради.